

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ФАРҲОД АБДИРАИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ
(1917-1945 йиллар)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Усманов Фарход Абдираимович

Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги масаласи (1917-1945 йиллар).....3

Усманов Фарход Абдираимович

Вопросы детской беспризорности в Узбекистане (1917-1945).....25

Usmanov Farhod Abdiraimovich

The issue of childrens' homelessness in Uzbekistan (1917-1945).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ФАРҲОД АБДИРАИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ
(1917-1945 йиллар)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Таг737 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тил (ўзбек, рус, инглиз)да Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шадманова Санавар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тўхтаев Абдугани Қиличевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «09» 01 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz). Термиз давлат университети, Тарих факультети (фаоллар зали).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (119-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 12 кuni таркатилди.
(2022 йил «28» 12 даги 19 рақамли реестр баённомаси).




С. Н. Турсунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор


Х. Э. Холмўминов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари номзоди, доцент


З. А. Қобулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тарих фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг тарихий шаклланишида ибтидоий жамоа тузуми давридан то бугунги кунга қадар бўлган турлича тарихий давр босқичлари инсоният ҳаётига ўзига хос янгилик ва қарашларни олиб келди. Ижтимоийлашув жараёнларининг жадаллашуви ва гуманизмнинг тараққий этиб бориши инсон омилини энг юқори ўринга чиқарди. Инсоннинг ёввойи табиатдан маданий, маънавий ҳаёт иштирокчисига айланиши билан жамиятда инсон омилининг мустақамланиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, болалар ҳуқуқ ва эркинлиги, ижтимоий муҳофазаси, таъминоти бўйича жамият масъуллиги ҳам тобора кучайиб бормоқда.

Дунё миқёсида бола ҳуқуқлари, болаларни ижтимоий муҳофаза қилишдаги муаммолар, болалар қаровсизлигининг келиб чиқиш сабаблари, унинг жамият учун ижтимоий хавфи, болалар қаровсизлиги масаласининг назарий ва методологик таҳлилига оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, болалар қаровсизлигини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, болалар ҳуқуқи қонун ижодкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги барча соҳаларда бўлгани каби болалар ҳуқуқи масаласида ҳам туб бурилишлар ясай олди. Мустақиллик шарофати билан халқимиз тарихини илмий, объектив ва холис ёритиш зиёлилар олдида турган устувор вазифаларидан бирига айланди. Хусусан, Президент Ш.М.Мирзиёев миллий ўзлигимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозимлиги, ўтмишга берилган баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарурлиги, буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлигини¹ таъкидлаб ўтганлар. Шу боисдан болалар қаровсизлиги масаласига оид манбаларни холис ўрганиш, уларни кенг оммага илмий асосланган ҳолда етказиш ва шу пайтгача йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017 сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси./[https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%20E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2018_yil_28_dekabr\)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=573929_o%20E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2018_yil_28_dekabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana) (фойдаланилган сана: 03.08.2020 йил)

босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275 сон “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216 сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736 сон “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва бошқа қарорлари² ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазифаларини амалга ошириш ва Ўзбекистон тарихини совет даврига оид айрим жиҳатларини ёритишда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги мавзусига доир тарихий тадқиқотларни уч гуруҳ: совет даври, мустақиллик йиллари ҳамда хорижий тадқиқотларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Совет даври, яъни 1917 йилдан 1991 йилга қадар яратилган К.Фозилходжаев, А.Алматинская, А.Авдеева, А.А.Чернышев, А.И.Островский, А.Халиков, Г.Марьяновский, П.И.Люблинский, М.И.Левитана, В.И.Куфаев, Л.М.Василевский каби кўпгина олимларнинг илмий асарларида³ болалар ва вояга етмаганлар ўртасидаги қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик масалаларининг айрим йўналишларига оид маълумот ва статистик ҳисоботлар келтирилиб, тадқиқот мавзусининг баъзи бир жиҳатлари қисман очиб берилган.

Мустақиллик даврида яратилган А.Н.Расулов, А.А.Ерметов, М.Ғ.Рахматов, Н.А.Режаббоев, Х.К.Юлдашев, Ф.Атабаев, А.А.Голованов ва кўпгина олимларнинг тадқиқотларида⁴ болалар ва вояга етмаганлар ўртасидаги

² Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/>

³Фазылходжаев К. Детей принимал Узбекистан. – Тошкент: Узбекистан, 1991; Алматинская А., Авдиева А. Свет наших очей. – Ташкент: Узбекистан, 1971; Чернышев А.А.. Преступность несовершеннолетних и меры борьбы с ней в СССР. – Томск: Издательство Томского университета, 1981; Островский А.И.. Второгодничество как факто, обуславливающий правонарушения несовершеннолетних и меры борьбы с ним. Дисс...канд. пед. наук. – Ташкент, 1973; Халиков А.. Ответственность за половые преступления против несовершеннолетних (по материалам Узбекской ССР). Дисс...канд. юр. наук. – Ташкент, 1975; Марьяновский Г. Книга судеб: Документальные повествование. – Ташкент: Г.Гулям, 1988; Люблинский П.И. Борьба с преступностью. – Москва: Козиций, 1923; Левитана М.И. Беспризорные. Социология. Быт. Практика работа. – Москва: Новая Москва, 1925; Куфаев В.И. Борьба с правонарушениями несовершеннолетних. – Москва: Новая Москва, 1924; Василевский Л.М. Голгофа ребенка. – Ленинград: Книга, 1924; Василевский Л.М. Беспризорность и дети улицы. – Москва: Пролетарий, 1925; Василевский Л.М. Детская “преступность” и детский суд. – Тверь: Октябрь, 1923.

⁴Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917 – 1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005. Монография; Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Янги нашр, 2011; Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. – Тошкент, 2018. Монография; Рахматов М.Ғ.. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари (1917-1924 йй.). Тар. фан. фал. док. (PhD) дисс. – Тошкент, 2019; Режаббоев

қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик каби ҳолатларга доир айрим маълумотлар келтириб ўтилган.

Хорижий адабиётларни ҳам ўз ўрнида шартли равишда икки гуруҳ – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) олимлари ва узоқ хориж олимларининг тадқиқот ишларига ажратиш лозим топилди.

Биринчи гуруҳга оид адабиётларга А.А.Славко, О.А.Оличева, Л.В.Блонский, С.А.Самсонова, Е.С.Шахова, С.В.Романович, Е.Н.Афанасова, М.А.Ахметова, Е.А.Бендер, Т.Н.Камилова, И.А.Ложкина, А.Ю.Нестеров, Н.В.Семина, Т.М.Смирнова, А.Н.Яковлева, А.Рожков, ва бошқа олимларнинг илмий ишларини⁵ мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур муаллифлар МДХ давлатларининг маълум бир ҳудуди ёки тарихий жараёни билан боғлаган ҳолда мавзунини ёритиб берган бўлиб, диссертацияда уларнинг методологиясидан фойдаланиш мақсад қилиб олинган.

Иккинчи гуруҳ адабиётларига В.Зензинов, Карстен Солҳеим, Алан Балл, Столеэ, К.Маргарет, В.Ручкин, Д.Леон, В.Школьников ва бошқаларни⁶ мисол

Н.А.. Совет ҳокимиятининг Туркистондаги озиқ-овқат сиёсати ва унинг оқибатлари (1917-1924 йй.). Тар.фан. фал. док. (PhD) автореф. – Тошкент, 2020; Юлдашев Х.К. Управления процессом социально-педагогической профилактики правонарушений несовершеннолетних в системе народного образования. Дисс...док.пед. наук. – Ташкент, 1995; Атабаев Ф.. Организационно педагогические основы работы приемника распределителя по профилактике правонарушений среди несовершеннолетних. Дисс...канд. пед. наук. – Ташкент, 1993; Кулахметов А.Б.. Прекращение уголовного дела с передачей материалов на рассмотрение комиссии по делам несовершеннолетних Дисс...канд. юр. наук. – Ташкент, 1997; Умаров Б.М.. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий психологик муаммолари. Дисс...канд. псих. наук. –Ташкент, 2009; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917 – 1937 гг.. – Ташкент: Фан, 1992; Турсунов С. ва Қобилов Э. Муртазов Б. Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: «Шарк», 2004.

⁵Славко А.А. Детская беспризорность в России в первое десятилетие советской власти. Автореф. кан. истор. наук. – Чебоксары, 2005; Оличева О.А. Государственная политика в отношении беспризорности и преступности несовершеннолетних. Автореф. кан. истор. наук. – Москва, 2009; Блонский Л.В. Детская беспризорность в СССР периода НЕПа: опыт ликвидации (на материалах Нижнего Поволжья). Автореф. кан. истор. наук. – Саратов, 2004; Самсонова С.А. Политика и социальная практика преодоления детской беспризорности на Ставрополье и Тереке в 20-е – 30-е гг. XX века. Дисс. кан. истр. наук.. – Ставрополь, 2012; Шахова Е.С. Становление и развитие государственной политики в области борьбы с безнадзорностью в 1917-1941 гг. (на материалах Курского края). Дисс. кан. истор. наук. – Курск, 2008; Романович С.В. Борьба с детской безнадзорностью и беспризорностью на Южном Урале в годы Великой отечественной войны (1941-1945). Дисс. кан. истор. наук. – Оренбург, 2006; Афанасова Е.Н. История детской беспризорности в Иркутской области и Красноярском крае в 1920-1930-х гг.. Автореф. кан. истор. наук. – Иркутск, 2007; Ахметова М.А. Отражение тема голода 1920-х годов в татарской литературе. Дисс. кан. фил. наук. – Казань, 2018; Бендер Е.А. Борьба с беспризорностью и безнадзорностью несовершеннолетних в РСФСР в 1920–1930-е гг. (на материалах Ленинграда и Ленинградской области). Дисс. кан. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2015; Камилова Т.Н. Проблемы социальной адаптации безнадзорных и беспризорных детей в трансформирующемся обществе (на примере Мурманской области). Дисс. кан. соц. наук.. – Мурманск, 2014; Ложкина И.А. Социальная защита детей-сирот в годы Великой Отечественной Войны (на материалах детских домов и интернатов Урдмутской АССР). Дисс. кан. ист. наук. – Ижевск, 2010; Нестеров А.Ю. Социальная адаптация несовершеннолетних осуждённых в УИС России: исправительные и постпенитенциарные практики. Дисс. док. соц. наук. – Москва, 2019; Семина Н.В. Борьба с детской беспризорностью в 1920-е - 1940-е годы в России (на примере Пензенского региона). Автореф. канд. ист. наук. – Пенза, 2007; Смирнова Т.М. Дети страны Советов: От государственной политики к реалиям повседневной жизни. 1917—1940 гг. – Москва: ЦГИ, 2015. Монография; Яковлева А.Н. Дети ГУЛАГа. 1918 – 1956. – Москва: МФД, 2002.

⁶Зензинов В. Безпризорные. – Париж: Современный Записки, 1929; Karsten Solheim. The Collapse of the USSR and the Emergence of Mass Child Neglect. - Conservation and History University of Oslo Autumn 2009; Alan Ball, "State Children: Soviet Russia's Bezprizornye and the New Socialist Generation," The Russian Review 52, April (1993); Stolee, Margaret K. "Homeless Children in the USSR, 1917-1957." Soviet Studies 40 (1) (1988); Ruchkin, V.V.; Eisemann, M.; Kopusov, A.; Hagglof, B.. "Family Functioning, Parental Rearing and Behaviour Problems in Delinquent." Clinical Psychology and Psychotherapy. 7 (2000); Leon D.A, Shkolnikov V.M. "Social Stress and the Russian Mortality Crisis." JAMA 279 (10) (1998); Akçay Ş. Istanbul üniversitesi çocuk ihmali ve istismari konusunda

қилиб кўрсатиш мумкин. Улар ўз тадқиқотлари орқали болалар қаровсизлиги масаласининг баъзи жиҳатларини тарихий фактлар асосида таҳлил этганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Чирчиқ давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги масаласини тадқиқ этиш асосида Ўзбекистонда болалар қаровсизлигининг шаклланиши, уни бартараф этиш хусусиятлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Болалар қаровсизлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги келиб чиқишининг омилларини ўрганиш;

Ўзбекистонда болалар комиссиялари ташкил этилиши ва фаолиятини батафсил ёритиш;

болалар ўртасида жиноятчилик ҳолати ва уни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ўрганиш;

болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий чоралар ва уларнинг таъсирчанлигини очиб бериш;

совет даврида болалар қаровсизлигини бартараф этиш хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда болалар муассасалари фаолиятига оид маълумотларни таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда 1917 – 1945 йиллар оралиғида болалар қаровсизлиги масаласи тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги муаммоси ва унинг омиллари, болалар қаровсизлигини бартараф этишда давлат органлари фаолияти билан боғлиқ жараёнлар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари, фанлараро ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, даврий-муаммовий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги шаклланишининг ташқи омилли тўрт босқичда намоён бўлиб, биринчи босқич (1917–1918 йиллар) – Биринчи Жаҳон уруши оқибатида Россиянинг турли ҳудудларидан болаларнинг минтақага кириб келиши, иккинчи босқич (1918–1920 йиллар) – минтақадаги ҳарбий ҳаракатлар оқибатида қаровсиз болаларнинг юзага келиши, учинчи босқич (1921–1923 йиллар) – Волгабўйидаги қашшоқлик ва очарчилик натижасида минтақага қаровсиз болаларнинг олиб келиниши, тўртинчи босқич (1941–1945 йиллар) – Иккинчи Жаҳон уруши натижасида етим болаларнинг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши асосланган;

Советлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган турли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар сабаб аҳоли ўртасида шаклланган турли даражадаги муаммолар маҳаллий аҳоли вакиллари орасида турмуш даража пасайиши ва ота-оналар болаларини боқиш қобилияти йўқолиб бориши оқибатида қаровсиз болаларнинг юзага келишига олиб келганлиги исботланган;

Совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкаси очларга ёрдам марказининг Болалар комиссияси, Болаларга ёрдам жамияти ва болалар уйлари очилиши натижасида қаровсиз болалар ушбу муассасаларга жойлаштирилганлиги ва тарбияланганлиги, бироқ мазкур ташкилотлар доимий тарзда давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ҳамда мавжуд маблағларнинг талон-тароғ этилиши натижасида қаровсиз болаларнинг яшаш аҳволи қониқарсиз бўлганлиги очиқ берилган;

Қаровсиз болаларнинг сони кўпайиб бориши туфайли болалар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги ўсиб борганлиги оқибатида Ички ишлар бўлимлари томонидан болаларни йиғиш ва вақтинча сақлашга мослашган болалар қабулхоналари сони ошиб борганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ёшлар онгида совет сиёсий ва ҳуқуқий тизимининг ўрнатилиши моҳиятини англаб етишига, уларда тарихий онгнинг шаклланишига, давлат мустақиллигининг аҳамиятини тушунишига ва уни мустаҳкамлашга бўлган интилишни янада кучайтиришга хизмат қилувчи таъсири кўриб чиқилган.

Тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалар замонавий фан тармоқлари (тарих, этнология, антропология, сиёсатшунослик) йўналишларидаги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, илмий муомалага киритилмаган кенг ҳажмдаги архив манбалари, даврий матбуот материаллари, статистик маълумотлар ва адабиётлардан олинган маълумотлардан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги фаолияти ўзига хос жиҳатлари тарихийлик, ҳаққонийлик тамойилларига таяниб, бирламчи тарихий манбалар асосида очиқ берилганлиги ҳамда муаммога оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет даври тарихига доир тарихий билимларни янада чуқурлаштириш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш, жумладан, Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини ёзишда, “Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи” фанидан ўқув-услубий

қўлланмалар, ўқув дастурларини қайта шакллантиришга, мазмунан бойитишга ҳамда янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажариш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги масаласи тадқиқ қилиш юзасидан келинган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги шаклланишининг ташқи омили тўрт босқичда намоён бўлиб, биринчи босқич (1917–1918 йиллар) – Биринчи Жаҳон уруши оқибатида Россиянинг турли ҳудудларидан болаларнинг минтақага кириб келиши, иккинчи босқич (1918–1920 йиллар) – минтақадаги ҳарбий ҳаракатлар оқибатида қаровсиз болаларнинг юзага келиши, учинчи босқич (1921–1923 йиллар) – Волгабўйидаги қашшоқлик ва очарчилик натижасида минтақага қаровсиз болаларнинг олиб келиниши, тўртинчи босқич (1941–1945 йиллар) – Иккинчи Жаҳон уруши натижасида етим болаларнинг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши ҳамда Советлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган турли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар сабаб аҳоли ўртасида шаклланган турли даражадаги муаммолар маҳаллий аҳоли вакиллари орасида турмуш даража пасайиши ва ота-оналар болаларини боқиш қобилияти йўқолиб бориши оқибатида қаровсиз болаларнинг юзага келишига олиб келганлиги исботланганлигига оид илмий хулосалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзусидаги “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2022 йил 31 январдаги 06-31-205-сон маълумотномаси). “Тақдимот”да илгари сурилган болалар қаровсизлиги муаммоси хусусиятлари, салбий оқибатлари бўйича мавжуд ғоялар, республикамызда ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкаси очларга ёрдам марказининг Болалар комиссияси, Болаларга ёрдам жамияти ва болалар уйлари очилиши натижасида қаровсиз болалар ушбу муассасаларга жойлаштирилганлиги ва тарбияланганлиги, бироқ мазкур ташкилотлар доимий тарзда давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ҳамда мавжуд маблағларнинг талон-тарож этилиши натижасида қаровсиз болаларнинг яшаш аҳволи қониқарсиз бўлганлиги ҳамда Қаровсиз болаларнинг сони кўпайиб бориши туфайли болалар ҳуқуқбузарлиги ва жинойтчилиги ўсиб борганлиги оқибатида Ички ишлар бўлимлари томонидан болаларни йиғиш ва вақтинча сақлашга мослашган болалар қабулхоналари сони ошиб борганлиги аниқланганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 06-02/5-1328-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Халқ таълими тизимида бугунги кунда учраши мумкин бўлган муаммоларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга, шунингдек, тизимда мавжуд болалар муассасалари фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари бўйича жами 10 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (8 та республика ва 2 та чет эл журналларида) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмлардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Болалар қаровсизлиги тушунчаси ва унинг Ўзбекистонда шаклланиши”** масаласига бағишланган бўлиб, *биринчи параграфид*а “болалар қаровсизлиги”, “қаровсиз бола”, “назоратсиз бола”, “кўча боласи” каби мавжуд атамаларга оид манбалар ҳамда адабиётлардаги бирламчи маълумотлар таҳлил қилинган.

“Болалар қаровсизлиги” атамаси “назоратсиз бола”, “кўча боласи” каби атамалар билан яқин маъно касб этиб, уларга берилган таърифлар ўз навбатида турли ёндашувлар асосида қисман фарқли таърифланган. Жумладан, халқаро БМТ ташкилоти экспертлари томонидан берилган таърифларга кўра, қашшоқлик ва зўравонлик каби сабаблар билан оила бағридан қочиб кетган ва кўчада ҳеч қандай манзилсиз ҳаёт кечириш тарзига ўтган болалар қаровсиз болалар бўлиб, асосан кам таъминланган, бошқа ҳудудга мажбурий кўчирилган, табиий ва уруш фалокатидан жабр кўрган оилалардан қочган болалардан иборатлиги⁷ маълум қилинган.

Бугунги кун АҚШ жамиятида ҳам мазкур масала асосий муаммолардан бирига айланиб, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги қаровсиз болаларни “кўча болалари”, “кўчадаги болалар”, “кўча оилалари аъзоси бўлган болалар”, “интернат муассасалардаги болалар” кўринишида 4 гуруҳга бўлиб ўрганишни таклиф этган⁸. Инглиз олими В.Дупонт ўз тадқиқотларида “қаровсиз бола” атамасини ота-онаси ёки қариндош уруғидан айрилиши сабабли яшаш манзилисиз қолган болаларга нисбатан қўллаб, барча кўчадаги уйсизларни ҳам

⁷ <https://news.un.org/ru/story/2015/04/1261201> (фойдаланилган сана: 23.01.2022).

⁸ <https://cyc-net.org/cyc-online/cyc01-0904-homelessness.html> (фойдаланилган сана: 13.02.2022).

қаровсиз сифатида эътироф этмасликни тарғиб қилган⁹ бўлса, яна бир олим Жон Корфмахер болалар қаровсизлигини бу болаларнинг ривожланишига зарар келтириш даражасида эътиборсиз қолдирилиши¹⁰ билан изоҳлайди.

Европа олимлари томонидан “қаровсиз бола”га умумий мазмунда инсон ҳаёт минимуми таъминланмай, уйсиз қолганлиги билан ифодалаган бўлса, Осиё минтақасида, жумладан, Туркияда мазкур атама “қаровсиз бола” “Ihmal” тарзида қўлланилиб, болага унинг таъминоти учун масъул бўлган шахсларнинг ўз вазифасини бажармаслиги ва болани жисмонан ва маънан назоратсиз қолдирилиши¹¹ қаровсизлигини келтириб чиқариши билдирилган. Мазкур масала бўйича тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири Ш.Ақчай эса боланинг таъминоти, соғлиғи ва қўллаб-қувватланиши бўйича минимум талабларнинг бажарилмай қолиши уларнинг қаровсиз сифатида шаклланишига асос бўлишини¹² таъкидланган.

Ўзбекистон ҳудудида болалар қаровсизлиги Россия империяси мустамлакачилиги таъсирида шаклланган бўлиб, рус жамиятига “қаровсиз бола” атамаси XX аср бошларида француз тилидан “moralment abandonne” шаклида кириб келган. 1913 йилда болалар суди масаласида 1-Россия съезди ташкил этилганда “Қаровсиз болалар устидан назорат чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасида илк бора меъёрий ҳужжатда акс эттирилган¹³. Аммо мазкур атамдан кам фойдаланилган. 1917 йил Октябрь тўнтаришигача мавжуд болалар қаровсизлигига қарши кураш амалиётида “қаровсиз бола” атамаси тилга олинмаганлиги¹⁴ ўз навбатида атама 1917 йилдан кейин оммалашганлигини англатади.

“Болалар қаровсизлиги” атамаси Ўзбекистон ССРда кенг оммалашиб, синоним мазмунида “уйсиз бола”, “боқимсиз бола”, “назоратсиз бола” каби атамалар ҳам шаклланган. Авваламбор “бола” атамаси таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланиши белгиланган. Вояга етмаган атамаси эса бола атамаси билан ёнма-ён маъно касб этиб, 14 ёшдан ошган ва 18 дан ошмаган болаларга нисбатан қўлланилиши¹⁵ белгиланган.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфид*а Ўзбекистонда болалар қаровсизлигининг пайдо бўлиши тарихий босқичлари ва бу бўйича мавжуд назарий асослар таҳлил қилинган. Советлар ҳокимияти ўрнатилиши билан

⁹ Graham Tipple*, Suzanne Speak. Definitions of homelessness in developing countries. Habitat International 29 (2005). – P.338.

¹⁰ Jon Korfmacher, “The Kempe Family Stress Inventory”: A Review. Child Abuse and Neglect, 2000, No:24. – P.129-140.

¹¹ Dervişoğlu S. Çocuk istismari ve ihmali açısından sokakta çalışan çocuklar ve Avrupa birliği uygulamaları. – İstanbul, 2012. – P.39.

¹² Akçay Ş. İstanbul üniversitesi çocuk ihmali ve istismari konusunda bilgi, deneyim ve davranışlarını belirleme araştırması. – İstanbul, 2008. – P.132.

¹³ Самсонова С.А. Политика и социальная практика преодоления детской беспризорности на Ставрополье и Терек в 20-е – 30-е гг. XX века. Дисс. кан. истр. наук. – Ставрополь, 2012. – С.41.

¹⁴ Директивы ВКП (б) и постановления Советского правительства о народном образовании (1917-1947). – Москва: Литература, 1947. – С.228.

¹⁵ Мўминов А.Р., Тиллабоев М.А. Бола ҳуқуқлари. – Тошкент: Навоий, 2014. 529-бет.

унинг таркибига кирган Ўзбекистон ҳудудида кўплаб омиллар сабабли болалар ўртасида қаровсизлик ҳолати кучайиб, давлат даражасидаги муаммога айланиб борди. 1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда Туркистон ўлкаси, айниқса Тошкент шаҳрида болалар қаровсизлиги тарқалишининг кўплаб сабаблари бўлиб, уларни икки йирик – ички ва ташқи омилларга ажратиб ўрганиш мумкин.

1917-1945 йиллар Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги шаклланишининг ташқи омилларига Россиянинг турли ҳудудларидан болаларнинг кириб келиши асосий мисол бўлиб, ўз навбатида Россиянинг турли ерларида қаровсиз болалар Биринчи жаҳон уруши, 1918-1920 йиллар фуқаролик урушлари, 1921 йилги Волгабўйи қашшоқлик ва очарчилиги¹⁶, турли муваффақиятсиз ислохотлар, Иккинчи жаҳон уруши каби сабаблар таъсирида шаклланган.

Ички омилларга Ўзбекистон ҳудудида мавжуд турли муаммолар таъсирида болалар қаровсизлиги шаклланишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, ХХ асрнинг 30-йилларида қулоқлаштириш, сургун қилиш, маъмурий ва партиявий тозалашнинг амалга оширилиши, контрреволюцион ишлар репрессияси, поляк ва немис каби миллат вакилларининг йирик кўринишда кириб келиши ва бошқа сиёсий жараёнлар болалар қаровсизлигини ошириб, бу 1930 йил майдаги Бутуниттифоқ 3-қурултойида¹⁷ маълум қилинган.

Ота-онаси вафоти сабаб етим ва қаровсиз қолган болалар қишлоқ кўчаларини кезиб шаҳарга келиши ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўқлиги¹⁸, болаларнинг мактабдан ташқари вақти самарали ташкил этилмаслиги¹⁹, 1933 йилги Хоразмдаги оммавий қашшоқлик, Янги Урганч ва Манғитдаги йирик тошқинлар таъсирида болалар уйларига қамраб олинган қаровсиз болалар сони 1933 йил 16 000 дан ошган²⁰. Шу тартибда Ўзбекистон ССРда турли таъсирлар остида болалар қаровсизлиги ошиб бориб, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан янада вазият ёмонлашган.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида болалар муассасалари аҳволи яхши бўлмай, улар болалар учун энг паст даражадаги ҳаёт эҳтиёжларини ҳам тақдим қила олмаганлар²¹. Оқибатда болаларнинг кўчага интилиши кучайиб, кўплаб кўча қаровсизлари пайдо бўлган. Бунинг оқибатида улар орасида касалланиш, жиноят ва ҳоказо салбий ҳолатлар ачинарли рақамларни намоён этган. Тошкент шаҳрида 1944 йилда 2 006 касалланиш, 32 ўлим, 1945 йил 916 касалланиш, 17 ўлим ҳолати кузатилган. Бунга озиқ-овқат таъминоти, иш фаолияти яхши йўлга қўйилмагани, шароит ёмонлиги сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, 1944 йил Тошкент шаҳри болалар уйларидан 162 та, 1945 йил 3-кварталнинг ўзида 170 та

¹⁶ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 531-иш, 5-варак.

¹⁷ Славко А Славко А.А. Государство и беспризорность в 1930-е годы: система функционирования детских домов. // Вестник СамГУ. 2009. – №1(67). – С.23-24.

¹⁸ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 674-иш, 10-варак.

¹⁹ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 160-иш, 494-варак.

²⁰ ЎзМА, Р.837-фонд, 12-рўйхат, 676-иш, 14-варак.

²¹ ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 1713-иш, 38-варак.

бола қочиб кетган²². Тошкент вилоятида 9 ойда 23 та болалар уйидан 241 бола қочган. Биргина 3-сонли болалар уйидан 9 ойда 36 та бола қочиб кетган²³.

Кўриб ўтилганидек, “қаровсиз бола” ва шунга яқин маънодаги атамаларга турли ҳудуд олимлари томонидан замон ва маконга хос жиҳатлари билан узвий боғлиқ ҳолда қисман фарқ қилса-да, умумий ягона маъно касб этувчи таърифлар бериб ўтилган. Болалар қаровсизлиги Ўзбекистонда 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг шаклланган.

“Ўзбекистонда болалар қаровсизлигини бартараф этишда давлат ташкилотларининг иштироки” деб номланган иккинчи боб *биринчи параграфид*а Ўзбекистонда болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида ташкил этилган болалар комиссиялари фаолияти, мавжуд ютуқ ва муаммолар, Марказ томонидан қаратилган эътибор каби масалалар ёритиб берилган.

Россияда ХХ аср бошларидаги иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар аҳоли қатламига ўзининг катта таъсирини ўтказиб, болалар ҳаётини оғирлаштирди. Турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муаммолар сабабли болалар қаровсиз қолиши, кўча қаровсиз болалар оқимининг ошиб бориши давлат иштирокини тақозо этган. Ўз навбатида, РСФСР болалари ғамхўрлиги давлат зиммасида эканлиги белгиланиб (01.12.1917 йилги Декрет), Жамоат таъминоти ХК, кейинчалик Ижтимоий таъминот ХК масъуллигида Нуқсонли болалар Бўлими ташкил этилган (14.01.1918 йилги Декрет)²⁴. Бунда асосий эътибор нуқсонли болалар таъминоти ва ижтимоий муҳофазасига қаратилган.

Кўчаларда қаровсиз болаларнинг кўпайиши ўз навбатида нуқсонли болалардан ташқари соғлом, қаровсиз болалар учун ҳам давлат таъминоти ва ғамхўрлиги заруратини келтириб чиқарган. 1918 йилдан РСФСР “Балоғат ёшига етмаган болаларни ҳимоя қилиш комиссияси”²⁵ масъул органга айланди. Бутун мамлакат бўйлаб қаровсизлик катта муаммога айланиб бориши билан комиссияга қўшимча куч сифатида 1918 йилдан Болаларни қутқариш лигаси фаолияти йўлга қўйилган²⁶.

Марказдаги болалар қаровсизлиги масаласи бўйича комиссиялар фаолияти ҳудудларда ҳам жорий этила бошлаган. 1918 йил 20 ноябрда Туркистон ўлкаси очларга ёрдам марказий комиссияси (ЎОЁ МК)²⁷ Туркистонда мавжуд ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан (расман 320 000 киши) келтирилаётган аҳоли вакиллари, хусусан, болаларга кўмаклашиш мақсадида тузилган²⁸. Мазкур комиссия таркибида 1921 йил октябрь ойида Болалар комиссияси (БК) ташкил этилган. 3 нафар ходим иштирок этган ушбу комиссия болаларни қабул қилиш, жойлаштириш ишлари билан шуғулланган. 1921 йил 5 ноябрга оид

²² ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4604-иш, 65-варак.

²³ ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4604-иш, 66-варак.

²⁴ Директивы ВКП (б) и Постановления Советская правительства о народном образовании (1917-1947). – Москва: Литература, 1947. – С.228.

²⁵ Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги (ХХ аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Янги нашр, 2011. 15-бет.

²⁶ Зензинов В. Безпризорные. – Париж: Современный Записки, 1929. – С.16.

²⁷ Расулов А.Н. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016. 25-бет.

²⁸ Расулов А.Н. Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2016. 57-бет.

маълумотларга кўра, БК орқали Тошкентга – 445, Авлиёотага (ҳозирги Жамбил) – 350, Самарқандга – 500, Ўшга – 100, Байрамалига (ҳозирги Мурғоб) – 100, Жиззахга – 87 нафар бола жойлаштирилган ва 8 923 бола²⁹ тарбиялаш учун оилаларга топширилган. Аммо маълум муддатдан сўнг унинг фаолияти тугатилиб, Маориф ХК таркибига кўшиб юборилган.

1922 йил 10 октябрда мазкур комиссия “Туркистон МИҚ болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” номи билан қайта ташкил этилган³⁰. 1922-1923 йилларда Фарғона водийси аҳолиси очарчилик минтақаси болаларига ёрдам учун 5 360 рубл пул, 20 608 аршин мануфактура, 4 225 кийим бош, 1 631 жуфт оёқ кийим тақдим этишга³¹ эришган.

ЎзССРнинг 1925 йил 15 октябридаги қарорига мувофиқ маҳаллий ижрокўмлар томонидан комиссияни қайта ташкил этиш масаласи йўлга қўйилиши шартлиги белгиланган³². Шу асосда 1926 йилда 6 та вилоят, 12 та уезд ва 2 та туман болалар комиссияси ташкил этилган³³.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши комиссия ишини янада мураккаблаштирган. 1941 йил ноябрда “Фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш ҳақида”ги қарор билан Тошкент шаҳридаги марказий темир йўл вокзали қошида Н.П.Крафт раҳбарлигида “Болаларни эвакуация қилиш пункти” ва унинг Когон, Самарқанд, Қўқон ва Бревск шаҳарларидаги бўлимлари ташкил этилган. Эвакуация иши барча давлат орган ва ташкилотлари, хусусан Комиссия фаолиятида энг оғир дамлар бўлиб хизмат қилганлиги ишнинг ушбу қисмида манбалар асосида батафсил ёритилган.

Иккинчи бобнинг *иккинчи параграфид*а болалар қаровсизлиги сабабли болалар жиноятчилиги ошиб борганлиги, уни бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти масаласи тадқиқ этилган. Кўплаб манбаларнинг далолат беришича, болалар қаровсизлиги жиноятчилик сони ошиб боришига ўз таъсирини ўтказиб, болалар жиноятчилиги муаммога айланиб борган. 1917 йил 28 октябрда РСФСР Ички ишлар Халқ комиссарлиги (ИИ ХК) “Ишчи милицияси тўғрисида”ги қарори³⁴ янги милиция тизимини совет ҳокимияти ишончли кучи сифатида ҳар қандай муаммо, жумладан, болалар қаровсизлигини бартараф этишда катта куч сифатида шакллантирган. 1920 йил апрелда “Болалар милицияси” тузилиб, кўчадаги қаровсиз юрган болаларни вокзал, бозор, бекат ва ҳоказо жамоат жойлардан йиғишга сафарбар қилинган. Аммо “Болалар милицияси” амалда ўзини оқламаган³⁵. Вазият янада мураккаблашиб, болалар жиноятчилиги сони 1921 йилнинг биринчи ярмида РСФСР бўйича умумий вояга етмаганлар қамоққа олинганларнинг 1.1 % ни

²⁹ ЎзМА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 682-иш, 600-варақ.

³⁰ ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 398-иш, 1-2-варақ.

³¹ ЎзМА, Р.17-фонд, 1-рўйхат, 398-иш, 3-варақ.

³² ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2756-иш, 22-варақ.

³³ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2581-иш, 92-варақ.

³⁴ Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. – Тошкент, 2018. Монография. 26-бет.

³⁵ Расулов А.Н. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). – Тошкент: Янги нашр, 2011. 16-17-бетлар.

ташқил этган³⁶. 1921 йилда Москва, Тошкент, Ростов, Краснодар каби шаҳарларда болалар жинойтчилиги ўсган.

Ички ишлар органлари болалар жинойтчилигини бартараф этиш мақсадида кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган, шу билан бирга турли даражадаги махсус болалар муассасалари фаолияти йўлга қўйилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. 1926-1927 йилдан вояга етмаган жинойтчи болалар учун ЎзССР ИИ ХК ташаббуси билан алоҳида реформаториум фаолият бошлаши белгиланган³⁷ бўлиб, бу ўз навбатида жинойтчи болаларни тўғри ҳаётга қайтариш мақсадида ташқил этилган. 1930 йилда яна бир муассаса – СССР Ички ишлар органлари тасарруфидаги Лагерлар бош бошқармаси шаклланган³⁸ ва у ҳам жинойтчиликка қарши курашишда муҳим ўрин тутган.

1935 йил ноябрдан Маориф Халқ комиссарлиги (М ХК) тасарруфидаги 11 та меҳрибонлик уйини ИИ ХК ўз тасарруфига ўтказиб, кўчадаги қаровсиз болаларни муассасаларга жойлаштириш ишлари билан шуғулланган³⁹. 1935 йил ИИ ХК меҳнат колониялари Тошкентда (болалар) 900, Тошкентда (қизлар) 300, Избосканда (болалар) 800, Самарқандда (аралаш) 500, жами 2500 болани, Болалар қабулхоналари Тошкентда 2 та (250), Фарғонада 1 та (100), Самарқандда 1 та (100), Когонда 1 та (100), жами 550 болани қамраб олган⁴⁰. Уларда ўз заруриятидан ташқари ишлаб чиқариш ҳажми 476 900 сўмни ташқил этган⁴¹. 1935 йилга тегишли маълумотларга кўра, Тошкентда 200 ўринли тарбияси оғир болалар уйлари, Наманганда 250, Самарқандда 200, Янгиқўрғоннинг Нанай қишлоғида 50, Бухорода 300 ўринли қишлоқ хўжалиги коммуналари бўлган⁴².

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан болалар уйи ва меҳнат колониялари қаровсиз ва назоратсиз болалар билан тўлиб-тошиб, меҳнат колонияси ўрнига таркибида хунарманд техникуми, кутубхона, мактаб шароити бўлган СССР ИИ ХК меҳнат тарбия колониялари ташқил этишга киришилган⁴³. 1942 йил 23 январ куни СССР ХКСнинг “Ота-онасиз қолган болаларни жойлаштириш тўғрисида”ги 75-сонли қарори қабул қилинган. Милиция органлари 1941 йилда – 19 126, 1942 йилда – 35 219, 1943 йил 1 кварталда – 13 548 қаровсиз болани қўлга олган⁴⁴.

Мазкур бобнинг *учинчи параграфида* болалар қаровсизлигини бартараф этишда ижтимоий соҳа органлари – Маориф ХК, Соғлиқни сақлаш ХК, Ижтимоий таъминот ХКлар фаолияти, ўзига хос жиҳатлари ва мавжуд муаммолар таҳлил этилган. Манбалар ўрганилаётган даврда болалар қаровсизлиги ижтимоий соҳа органлари учун жуда катта муаммоларни келтириб чиқарганлиги, улар фаолиятининг асосий қисми болалар

³⁶ Люблинский П.И. Борьба с преступностью. – Москва: Козиций, 1923. – С.31.

³⁷ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2826-А-иш, 77-варақ.

³⁸ Яковлева А.Н. Дети ГУЛАГа. 1918 – 1956. – Москва: МФД, 2002. – С.7.

³⁹ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 674-иш, 8-варақ.

⁴⁰ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 43-иш, 24-25-варақ.

⁴¹ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 1109-иш, 47-варақ.

⁴² ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 1719-иш, 14-варақ.

⁴³ Славко А.А. Роль специальных детских колоний в борьбе с беспризорностью и безнадзорностью в России в годы великой отечественной войны и послевоенный период. // Издательство «Грамота». 2009. – №3. – С.170.

⁴⁴ ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3691- иш, 44-варақ.

қаровсизлиги билан боғлиқ бўлиб қолганлигидан далолат беради. Мазкур давр ҳуқуқий меъёрларига кўра, Соғлиқни сақлаш ХК 3 ёшгача, Маориф ХК 3-18 ёшгача бўлган болалар ҳимояси ва ғамхўрлигига масъул қилиб белгиланган⁴⁵.

Ижтимоий соҳа органлари тасарруфидаги болалар муассасалари аҳволи моддий муаммолар сабабли ёмон аҳволда қолишига қарамасдан, кун сайин ошиб бораётган қаровсиз болаларни жойлаштириш ва улар учун муносиб турмуш тарзини яратиш мушкул масалага айланган. Биргина 1917 йилда қаровсиз болаларни сақлашга мўлжалланган болалар бошпанасидаги 114 гўдақдан 86 нафари вафот этгани⁴⁶ вазият қанчалик мураккаб эканлигини намоён этади.

Очарчилик минтақаларидан келаётган болаларнинг катта қисми кийимсиз ва касалманд ҳолда бўлиб, уларни кийим-бош билан таъминлаш Хотин-қизлар бўлими, соғлиғидаги муаммоларни бартараф этиш Соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан амалга оширилган. Тошкентдаги 10 та гўдақлар уйида 600 бола бўлиб, уларнинг 75 % қисмини очарчилик минтақаси болалари ташкил этган. Бу ерда болаларнинг касалланиш даражаси жуда юқори бўлиб, ажратилган маблағ овқатланишга ҳам етмаган. Улар учун бор-йўғи 1 ҳамшира ва 2 санитар ходима штати ажратилган, холос. Ушбу гўдақлар уйлари хароб ҳолга келиб қолганлиги даврий нашрларда ҳам эътироф этилган⁴⁷.

Маориф ХК ташаббуси билан 1922 йилда Тошкент Эски шаҳар, Янги шаҳар, Вокзал қисмларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирида биттадан инспектор фаолияти йўлга қўйилган. Инспекторга ёрдамчилар – ака ва опа (ака 18, опа 16 ёшдан катта бўлиши талаб қилинган) шакллантирилиб, жамоат жойларида 18 ёшгача бўлган, чайқовчилик, тиланчилик, қиморбозлик, гиёҳвандлик ва бошқалар билан шуғулланувчи жиноятчи болаларни қўлга олишга мўлжалланган навбатчилик⁴⁸ жорий қилинган.

Маориф ХКнинг кадрлар билан таъминланиши масаласи XX асрнинг 20-йиллари охирида ҳам ёмон аҳволда бўлган. Манбада келтирилишича, Фарғонадаги ёрдамчи мактаб педагогларининг 67 %и ўрта, ўрта махсус маълумотли, 33 %и олий маълумотли, 40 %и 1-2 йиллик, 25 %и 3-4 йиллик, 19 %и 5-9 йиллик, 16 %и 10-25 йиллик тажрибага эга бўлгани⁴⁹ ҳолда педагогик жараёнларни сифатли тарзда ташкил этиш кўникмасига етарли даражада эга бўлмаган.

Қаровсиз болалар ўртасидаги касалланишнинг олдини олиш борасида Соғлиқни сақлаш ХК ўз фаолиятини олиб борган. 1935 йил ноябрда Маориф ХК 100 кишилиқ руҳий касал болалар уйини ўз тасарруфига олган. Шунингдек, 5 та касал болалар уйидаги жами ўринлар сони 945 тага етказилган⁵⁰. Қўқондаги 5-сонли болалар уйида 60 трахома, 15 кўтир, 4-сон болалар уйида 15 ичбуруғ, кўтир касалликлари⁵¹ аниқланиб, жами болалар уйларидаги 753 касал

⁴⁵ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3585-иш, 50-варак.

⁴⁶ Известия, декабрь, 1919 г.

⁴⁷ Известия, 11 декабрь, 1921 г.

⁴⁸ ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1633-иш, 27-варак.

⁴⁹ ЎзМА, Р.837-фонд, 6-рўйхат, 6-иш, 44-варак.

⁵⁰ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 674-иш, 8-варак.

⁵¹ ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 1713-иш, 38-варак.

болалар соғлиқни сақлаш муассасаларига олинган ва Ижтимоий таъминот ХК 2-болалар уйидаги 225 ногирон бола⁵² ўз ўрнида қолдирилган. Болалар касалланиши деярли барча болалар муассасаларида шаклланиши оқибатида 1936 йилдан болалар уйлари йиллик сметасига меҳр-шафқат ҳамшираси штати киритилган⁵³. Бу ўз навбатида ногирон ва касалманд болаларга қаровни яхшилаш мақсадида ташкил этилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Ўзбекистонга фронт олди минтақаларидан болалар эвакуацияси ташкил этилиб, уларни мажбурий қабул қилиш ва жойлаштириш тартиблари белгиланган. 1941 йил ноябрдан 1943 йил майгача болалар эвакуация бўлими орқали 32 024 бола қабул қилинган бўлиб, улардан 10 145 нафари 14 ёшгача, 19 989 нафари 14-16 ёшлилар, 1 890 нафари 16 ёшдан катталар, 10 565 нафари ишчи, 14 484 нафари хизматчи, 6 975 нафарини колхоз ёки хусусий фаолият билан шуғулланувчи оила фарзандлари ташкил этган. Уларнинг 30 109 нафари темир йўл, қолган кичик қисми милиция, болалар комиссияси ва бошқалар орқали юборилган. 1941-1942 йил кўплаб ёзувчи ва олимларнинг патронатга даъват қилувчи шеър, ҳикоя, асарлари чоп этилиб, тарғиб қилинган. 1942 йил 15 январдан 1943 йил 1 майгача биргина маориф органлари оилалар тарбиясига 3 618 бола топширганлар⁵⁴. Аммо мажбуран берилган болаларни қайтариб юбориш ҳолатлари ҳам кўп бўлган ва бу вазият мураккаблигича қолишини таъминлаган.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, болалар қаровсизлигини бартараф этишда давлат органлари ўз соҳаси бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширган бўлиб, турли болалар комиссиялари ташкил этилган. Болалар жиноятчилигига қарши курашишда ички ишлар органлари, уларнинг тарбияси ва соғлиғига маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари масъул орган сифатида белгиланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Болалар қаровсизлигини бартараф этишда индивидуал шахслар ва болалар муассасаларининг ўрни”** деб номланган бўлиб, *биринчи параграфид*а Ўзбекистонда болалар қаровсизлигини бартараф этишда амалга оширилган чора-тадбирлар, уларнинг натижаси, хусусиятлари таҳлил қилинган.

1920-1930 йилларда мамлакат бўйича болалар қаровсизлигига қарши курашишда энг муҳим ечим сифатида уларни деҳқон оилаларига топшириш “патронлаштириш” номи остида амалга оширилган. Мазкур масалага Маориф ХК масъуллиги белгиланган. Болалар уйлари болаларининг деҳқон оилаларига топширилиши тартиб-қоидалари мазмун моҳияти уларни қишлоқ хўжалик меҳнатига тайёрлаш ва ўргатишдан иборат эди. Бироқ, “Патронлаштириш” сиёсати таъсирчан услуб бўлса ҳам, тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис кўплаб норозилик ва муаммоларни келтириб чиқарган⁵⁵.

Мазкур даврда болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар моддий манбасининг мақсадсиз

⁵² ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 2096-иш, 70-варақ.

⁵³ ЎзМА, Р.86-фонд, 10-рўйхат, 674-иш, 12-варақ.

⁵⁴ ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 4261-иш, 91-варақ.

⁵⁵ ЎзМА, Р-86 фонд, 1- рўйхат, 4399-иш 34 варақ

вазифаларга сарфланиши мавжуд вазиятни янада мураккаблаштирган. Жумладан, Марказий болалар комиссиясининг 1927 йил 6 апрелдаги хатида келтирилган маълумотга кўра, Фарғона уезди ижроқўм раҳбари турли шахс ва ташкилотларга тақсимот қилиб бериши оқибатида – 3700 сўм, Ғиждувон уезди ижроқўми электростанция технологиясини сотиб олиш мақсадида – 2500 сўм, Зарафшон уезди курсантларни Москвага жўнатиш ва қизил армияни демобилизация қилишга – 1000 сўм, Шаҳрисабз уезди Ленин хайкалини бунёд этиш мақсадида – 3500 сўм, Термиз уезди милиция ходимларига бош кийими сотиб олиш мақсадида – 500 сўм, кооперация учун – 1500 сўм, меҳнат муҳофазасига – 500 сўм, Каттакўрғонда мактаб қуриш мақсадида – 4000 сўм, газета босиб чиқаришга – 100 сўм болалар қаровсизлигига қарши курашишга мўлжалланган маблағни⁵⁶ мақсадсиз сарфлагани аниқланган.

